Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 155 (4553).
10 ИЮЛЬ 1981 й.
ЖУМА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Томонлар ўртасидаги ўзаро аҳдлашувга биноан Ҳиндистон Республикасининг ташқи ишлар министри П. В. Нарасимха Рао шу йил июль ойининг иккинчи ярмида амалий визит билан Совет Иттифоқига келади.

◆ КПСС XXVI съезди қарорлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида идеология ишини такомиллаштириш масалалари юзасидан Тошкентда ўтаётган республика семинар-кенгашида 9 июль куни меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг актуал проблемаларини муҳокама қилиш давом эттирилди.



Валентина Федюнина яқин ўн йилдан буён «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида баракали меҳнат қилиб келади. Шу йиллар мобайнида меҳнатсеварлиги туфайли, Коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга сазовор бўлди. Шу кунларда моҳир тикувчи 1982 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти.

СУРАТДА: чевар В. Федюнина.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

КЕНГ УФҚЛАР

Тошкентдаги «Матбуот» бирлашмасида босиб чиқарилаётган кўпгина китоблар турли конкурс ва кўрикларда муносиб тақдирланмоқда. Куни кеча корхонада хушхабар тарқалди. Бирлашманинг 1-босмахонасида босиб чиқарилган Шарқнинг буюк мутафаккир олими Абу Али ибн Синонинг «Саломон ва Ибсол» китоби яқинда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ XXII конкурсида жюри ва китоб мухлисларининг диққатига сазовор бўлди. Конкурс жюриси бу китобни муносиб муқофотлади. Унга конкурснинг иккинчи даражали дипломи ва конкурс мукофоти берилди.

Москвада СССР Рассомлар союзи ва ВЦСПС ташкил этган бу конкурс Тошкентда нашр этилган бир қатор китобларга арзигули совғаларни тақдим этди. Ғафур Ғулом номли нашриётда тайёрланган «Саломон ва Ибсол» китобига истеъдодли рассом Иван Кириакиди безаклар ишлаган.

Конкурсда ўзбек адиби Асқад Мухторнинг Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Қўлнинг иккинчи даражали дипломи ва конкурс мукофоти берилди. Китобга рассом А. Бобров безаклар ишлаган бўлиб, у Тошкент полиграфия комбинатида тайёрланган. Шаҳримиз китоб безовчи рассомларидан А. Багдасарян, К. Воробьевлар ҳам китобларга ишлаган безаклари учун дипломлар олишди. Бундан ташқари «Медицина» нашриёти чоп этган «Абу Али ибн Синонинг ижоди ҳақида» ҳикоя қилувчи китоби ҳам рағбатлантирилди.

ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКА УЧУН

Тошкент лак бўёқ заводи жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари билан мунтазам алоқада бўлиб келмоқда. Завод маҳсулотларига бўлган эҳтиёж йил сайин кўпайиб, буюртмачилар сони ортиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида заводнинг ҳорижий буюртмачилари тўрт мамлакатга ошди.

Ана шундай мамлакатлардан бири Афғонистон Демократик Республикасидир. Завод бу республикага ўз маҳсулотларини пешма-пеш жўнатиб турмоқда.

БУГУН

заводда турли хил лаклар, темир, тахта ва деворлар учун мўлжалланган бўёқлар ва эмалларнинг яна бир туркуми Афғонистон Демократик Республикасига жўнатиш учун ҳозирлаб қўйилди.

Бу маҳсулотлар Афғонистон Демократик Республикаси шаҳар ва қишлоқларидаги қурилишларда фойдаланилади.

МАДАНИЯТ УЙЛАРИДА

ИШЧИ КАСБИ ҲАҚИДА

Пойтахтимизда а г и Авиасозлар маданият саройида КПСС XXVI съезди, ишчи касби, беш йиллик қаҳрамонлари ва халқаро мавзуларда учрашувлар, қизиқарли кечалар ўтказиб туриш яхши анъанага айланган. Бу ерда ўтказилаётган ишчи касби, мураббий ва ворислар ҳақидаги учрашувлар, айниқса, мақтовга лойиқдир.

Ана шундай учрашувлардан бири маданият саройида КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга» деб номланган бу учрашувда авиация бирлашмаси меҳнат ветеранлари, ёш ишчилар, шаҳримиз корхона ва ҳунар-техника билим юртларидан вакиллар иштирок этишди.

Учрашувда сўзга чиққан ветеранлар ишчи касбининг улуғлиги ҳақида ўз меҳнат тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда гапиришди. Улар КПСС XXVI съезди тарихий қарорларининг бажарилиши ва унинг аҳамиятига ҳам тўхталиб ўтдилар.

Ҳунар-техника билим юртлари вакиллари эса муносиб ворислар бўлиб етишиш ҳақида тўлқинланиб сўзладилар.

ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ЯНГИ ГУЛ МАГАЗИНИ

Кундалик ҳаётимиздаги байрам ва бошқа тантаналарни кишиларга яхши кайфият бахш этувчи ранг-баранг гулларсиз тасаввур этиш қийин. Шу боисдан гул магазинлари ҳамиша гавжум бўлади. Эндиликда сергелиликлар ҳам гладиолус ёки чинни гул излаб шаҳар марказига бориш ташвишидан қутилдилар. «Сергели — 2» массивидаги тўққизқаватли янги уйнинг биринчи қаватида гул магазини очилди.

Ҳозир ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатаётган бундай магазинлар сони ўнтага етди. Шунингдек, турли жойларда яна ўнта павильон аҳолига хизмат кўрсатяпти. Шу йил охиригача Халқлар Дўстлиги майдонидаги янги Бахт уйи яқинида яна бир гул магазини очилиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти — 60 ёшда

Матбаачилар юбилейи

РЕПОРТАЖ

Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, 26. Ушбу адресни республикамизнинг барча бурчакларида, ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг кўпгина шаҳарларида яхши билишади. Республика газета ва журналларининг бирорта сонини олиб кўринг. Унинг сўнгги саҳифаси тагида ушбу босма маҳсулотнинг қаерда нашр этилганлигини ўқишингиз мумкин.

Бу ерда, — Тошкент марказида, А. Навоий номли театр ёнгинасида кунү тун ротацион ва босма машиналарнинг шовқини тинмайди. Нашриёт цехларида 40 га яқин марказий ва республика газеталари, яна шунча журналлар, китоблар, брошюралар чоп этилади.

Чуқур босма цехининг бошлиғи Сергей Фёдорович Лесоньевнинг қўлида «Крестьянка» журналининг янги сони. Рангли журнал оммавий тиражда эндигина машиналардан тушириб олинмоқда. Печатниклар бригадири Владимир Никифоров бошқариш пультига яқинлашиб, бир неча кнопкаларни босади. Цехдаги шовқин астагина тинади. Бир йўла бир нечта агрегат тўхтади, аммо цехнинг бир бурчагида айланаётган «барабанлар»нинг текис гувиллаши яна бир нечта бошқа журналлар нашр этилаётганидан дарак беради. Демак, маълум муддатдан сўнг сиз «Работница», «Саодат», «Здоровье», «Гулистон» ва бошқа журналларнинг янги сонларини олишингиз мумкин.

— Бир ойда 11 нашрни 5 миллион 300 дона тиражда нашр эта оламиз — бизнинг «қувватимиз» ана шундай, — ҳикоя қилади Сергей Фёдорович. — Цехимиз ишга тушганига ўн йил бўлди. Ана шу вақт ичида коллективимиз катта муваффақиятлар эришди.

Цехда 200 га яқин юксак малакали печатниклар ва бошқа мутахассисликдаги ишчилар меҳнат қилишади. Уларнинг аксарияти ўз маҳоратларини Москва, Ленинград, Киевдаги турдош корхоналарда оширишган. Цех коллективи янги технологияни жорий этиш, маҳсулот сифатини яхшилашда ёрдам бераётган мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот институтлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Амалга оширилган комплекс тадбирлар цехнинг комсомол-ёшлар коллективига план топшириқларини ой сайин 4-7 процент ошириб бажариш имконини бермоқда. Шунинг учун ҳам коллектив «Коммунистик меҳнат цехи» номи берилган.

Аммо матбаачиларнинг асосий фахри — одамлар. Печатниклар бригадири Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Шавкат Абдиҳаимов, «Ҳурмат Белгиси» орденининг кавалери Баёз Миродилов, Едгор Умархўжаев, машинист Оксана Ямпольская ва бошқалар шулар жумласидандир.

Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли қисқа муддатда цехда муқовалар ва рангли саҳифалар учун саккиз хил бўёқли машина ўрнатилиб ишга туширилди, сменалар коэффициенти оширилди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи пасайтирилди. Айтмоқчи, бу ерда маҳсулотлар биринчи тақдимдаёқ топширилади.

...«Газета Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонасида босилган». — Ҳар куни «Правда Востока», «Совет Узбекистони» ва бошқа газеталарни ўқир экансиз, газетанинг сўнгги саҳифасидаги ана шу сўзларга кўзингиз тушади. Моҳир қўллар, машаққатли меҳнат билан ана шу газеталарни чиқараётганларга раҳмат. Юбилейингиз муборак бўлсин, тошкентлик матбаачилар!

В. ЭНКЕР.

СУРАТЛАРДА: босма машинаси бошқариш пульти олдида бригадир В. Никифоров; мастер Х. Дадашев ва печатник А. Назиров босма маҳсулот сифатини муҳокама қилмоқдалар.

Автор фотолари.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти ва босмахонасининг 60 йиллик фаолиятига бағишланган мақолани газетанинг учинчи саҳифасида ўқийсиз).





МОСКВАЛИКЛАР «РАҲМАТ!» ДЕЙИШМОҚДА

ТЕАТР — САФАРДА

Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек Давлат академик катта театрининг спектакли бошланишига ҳали анча вақт бўлса ҳам томошабинларнинг анъанавий: «Ортиқча билетингиз йўқми?» деган саволини эшитиш мумкин эди. Бу ўзбек театрининг улкан муваффақиятидан далолат берарди.

«Дон Кихот» спектакли бошланишидан олдин театрга кираверишда менга бир аёл мурожаат қилди. У мени артист деб ўйлади шекилли, билет олишга ёрдам беришимни илтимос қилди.

— Мен Горькийданман, — деди у. — Йўлйўлакай бу ерда тўхтадим. Ўзбекистон Давлат академик катта театрининг гастроллари ҳақида эшитиб, барча кассаларни айланиб чиқдим. Аммо фойдаси бўлмади. Спектаклга тушишни истаган одамлар жуда кўп экан.

Л. Минкуснинг «Дон Кихот» балети ўзбек театрида 1948 йили П. А. Йоркин постановкасида қўйилган эди. Ўшанда Китри ролини ёш балерина, эндиликда СССР халқ артисти, СССР ва республика Давлат мукофотлари лауреати, театрнинг балет санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Галя Измайлова маҳорат билан ижро этган эди.

1979 йили «Дон Кихот»нинг янги премьераси бўлиб ўтди. Бу сафар балетни театрнинг бош балетмейстери Г. Измайлова саҳнага қўйган эди.

Тошкентлик артистлар ижросидаги «Дон Кихот» балети москвалик санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди. Барча ихлосмандлар албатта театр биносига сиғмасди... Спектакль бошланди. Ажойиб декорациялар, ранглар ўйини илк дақиқалардан бошлаб томошабин диққатини ўзига жалб этади. Гўё у ўзини Барселонадаги қуёшли майдонга бориб қолгандек ҳис қилади. Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати, рассом Т. Шоҳраимов саҳна безаклари устида катта меҳнат сарфлагани сезилиб турибди.

Китри партиясини бу постановкада Қорақалпоғистон АССР халқ артисти З. Давлатмуротова ёркин ижро этди. Базилья партияси ижрочиси, Токиодаги балет артистлари халқаро конкурси лауреати В. Клочко, Дон Кихот партияси ижрочиси М. Разметов, Санчо Панса партияси ижрочиси А. Валиевларнинг маҳорати ҳам томошабинлар томонидан юксак баҳоланди.

— Мен хизмат юзасидан мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида бўлганман. «Дон Кихот» балетини ҳам кўп бор томоша қилганман. Аммо бу ерда кўрганим чинакам мўъжизага ўхшайди, — деб ўз таассуротлари билан ўртоқлашди москвалик геолог К. Ершов.

Антракт пайтида Лихачев номидаги Москва автозаводи инженери С. Кондратьев билан суҳбатлашиб қолдим. У ҳам бугунги спектакль ҳақидаги таассуротларини тўлиб-тошиб сўзлаб берди.

— Мен Москвадаги гастроллари пайтида Ҳамза театрининг «Келинлар кўзғолони»ни ва бошқа спектакларини кўриб бир олам завқ олган эдим. Мана энди яна бир ажойиб томоша — «Дон Кихот»ни кўрдим. Бу спектакль мени мафтун этди. Республикада хизмат кўрсатган артист Г. Ҳамроеванинг лўлича рақси айниқса, катта таассурот қолдирди. Унинг ижро маҳорати, нафосати, жозибаси ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Ўзбек театри москвалик томошабинларга ўзининг «Тоҳир ва Зуҳра» опера балетини ҳам намойиш этди. Спектаклнинг постановкачи режиссёри Ленин комсомоли мукофоти лауреати О. Узоқов, дирижёр — республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Ғ. Тўлаганов, балетмейстерлар — СССР халқ артисти, Ленин ва СССР Давлат мукофоти лауреати В. Васильев ва бошқалардир.

«Тоҳир ва Зуҳра» ҳам бошқа спектакллар қатори москваликлар томонидан илиқ кутиб олинди. СССР халқ артисти, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Б. Қориева Зуҳра ролини нафосат билан ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Тоҳир ролини ижро этган республикада хизмат кўрсатган артист Ш. Турсуновнинг маҳорати ҳам эътиборга лойиқ. СССР халқ артисти Х. Носирова эса Зуҳранинг онаси — Санам образини жозибали ва ишонарли талқин этган.

Гастроль томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда. Хўш, артистлардачи?

— Биз москваликлардан самимий кутиб олганликлари учун беҳад миннатдормиз, — дейди театрнинг бош режиссёри Ф. Сафаров. — Санъатни қадрловчи, талабчан томошабинлар ҳар қадамда бизни тассаруф ва гуллар билан кутиб олмоқда. Бунинг учун уларга катта раҳмат.

М. БОБОХОНОВ.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Қизил байроқли Туркистон Ҳарбий округига қарашли ҳарбий оркестрлар кўригининг голиблари аниқланди.

В. И. Ленин номли умумқўшин командирлик олий билим юртининг духовой оркестри ижодий коллективи биринчи ўринни олишга муяссар бўлди.

Шуниндек, кўрикда Тошкент олий танкчилик билим юрти ва бошқа ҳарбий ижодий коллективларнинг ижрочилик маҳорати ўсганлиги қайд этиб ўтилди.

∴ ∴ ∴

Тошкентдаги республика кийим моделлари уйининг коллективи ўзбек миллий либосларининг янги коллекциясини тайёрлади.

Бу коллекция Туркиянинг Измир шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро саноат ярмаркасида намойиш этилади. Бу кўргазмада байрамларда, дам олиш пайтида ва оқшом чоғида кийиладиган ранг-баранг либослар қамраб олинади.

Халқаро конкурсда намойиш этиладиган либослар республиканинг Тошкент тўқимачилик комбинати ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқарилган газламалардан тикилган. Мутахассислар бу моделларни яратишда миллий урф-одатларни, ҳар куни тақазо этиладиган талабларни ҳисобга олишган.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда қарийб 40 та моделлар уйи ишлаб турибди. Уларнинг коллективлари асосан тикувчилик буюмларининг ассортиментларини ривожлантириш бўйича ўзларининг замон талабига монанд келадиган таклифларини тадбиқ этмоқдалар.

Бугун

социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг энг яхши қўшиқларини ижро этиш бўйича иккинчи Бутуниттифоқ конкурсига тайёргарлик кўриш бошланди.

Бу конкурсда Ўзбекистон телевидениеси ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг «Садо» ансамбли ижодкорлари Н. Нурмуҳамедова ва П. Борисов, Қарши давлат филармониясининг «Оригинал» вокал-чолғу ансамбли коллективи қатнашади. Бу конкурс августга ойларининг бошларида Қора денгизнинг Ялта шаҳрида бўлиб ўтади.

Бундан икки йил муқаддам бўлиб ўтган биринчи Бутуниттифоқ конкурсида «Наво» ансамблининг қўшиқчилари дипломантлар бўлишган эди.

∴ ∴ ∴

Ўзбекистон Давлат стандартлари бошқармасида бир неча хил газламаларнинг техникавий шартлари тасдиқланди.

Улардан бири янги артикулдаги крепшифон матосидир. Ҳозирги пайтда республика тикувчилик корхоналарида ва харидорлар ўртасида ана шу матога бўлган талаб ошиб бормоқда. Маргилондаги шойи газламалар комбинати бу шойи матони ишлаб чиқара бошлади.

∴ ∴ ∴

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи маданият саройида Тошкент политехника институти қишлоқ хўжалиги машинасозлиги факультетининг кечки бўлими битирувчиларига дипломларни тантанали топшириш маросими бўлди.

Ўқишни ана шу корхонада ишлаб чиқариш таълими билан қўшиб олиб борган 114 битирувчи механика инженерлиги дипломларини олишга сазовор бўлдилар. Шулардан 35 киши бу корхонада қолиб ишлашга аҳд қилди. Ёш мутахассисларни Тошкент Политехника институти ва завод маъмурияти нинг мутахассислари табрикладилар.

∴ ∴ ∴

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида Монголияда халқ революцияси ғалаба қозонганлигининг 60 йиллигига бағишлаб китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Бундан ташқари шаҳримизнинг Ленин проспектида жойлашган «Дружба» китоб магазинида Монголия нашриётларида чоп этилган китоблар кўргазмаси ҳам очилди. Унда Монголия халқ революцион партияси анжуманларига доир бўлган материаллар ва докладлар, йирик сиёсий ва давлат арбоблари, олимларнинг китоблари, шунингдек, бадиий асарлар намойишга қўйилган.

Монголиянинг миллий байрами муносабати билан мамлакатимизда Монголия Халқ Республикаси етук санъат усталари ва бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концертлари ўтказилмоқда. Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида эса Монголия рассомлари ва халқ санъати усталарининг асарлари кўргазмаси намойиш этилаяпти. Тошкентнинг маданият ва истироҳат боғларида бу санага бағишлаб турли тадбирлар олиб борилмоқда. Тельман ва Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғларида «Монголфильм» студиясининг янги фильмлари намойиш этилаяпти. Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат кутубхонасида Монголия Халқ Республикасига бағишлаб очилган китоблар кўргазмаси томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Эртага

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дам олиш зонасида Тошкент области қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг оммавий сайли ўтказилади.

Бу ерда Оржоникидзе районидаги «Маданият», «Қизил Ўзбекистон», Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номли колхозларининг коллективлари яйраб дам оладилар.

Дала меҳнаткашларининг ором вақти завқли ўтиши учун Киров района маданият бўлимига қарашли бадиий ҳаваскорлик коллективлари катта программада концерт тайёрладилар. «Билим» жамиятининг лекторлари область қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг ҳозирги пайтда эришаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилиб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада нашриёт ишини, полиграфияни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун ва ташкил этилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ғ. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1981 йил 9 июль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуоти ва полиграфиясини ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти барпо этилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан босмахонанинг механик созловчиси Анатолий Мануилович **Бектемировга**, босмахонанинг муковачиси Нина Ивановна **Данкинага**, нашриёт бош инженерининг ўринбосари Соломон Львович **Могилевскийга**, босмахонанинг печатниги Александр Андреевич **Шаповаловга**, босмахона цехининг бошлиғи Саид **Йўлдошевга** **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»**; нашриёт план бўлимининг бошлиғи Надежда Константиновна **Андреевага** **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист»**; нашриёт санаторий-профилактория синнинг бош врачи Камол **Акрамовга** **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач»** фахрий унвонларини берди ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг бир группа ходимларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

Шу кеча-кундузда Тошкентда об-ҳаво паст босимли майдон таъсирида бўлади. Атмосфера босими ва нисбий намлик деярли ўзгармайди. Ҳаво кам булутли бўлиб, секундига 1—2 метр тезлик билан шамол эсади. Кечалари 22—23, кундузлари 35—37 даража иссиқ бўлади. 9 июлда эрталаб соат 10 да ҳаво ҳарорати 27 даража иссиқ, нисбий намлик 52 процент, атмосфера босими симоб устунининг 712 миллиметрига тенг бўлди.

Н. А. Семашко номли Ўзбекистон давлат курортологияси ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг фикрича, жазирамали барқарор ҳаво барча беморларни безовта қилмайди. Доридармон воситаларни қабул қилишни камайтириш, мева ва сабзаворотлардан ва уларнинг шарбатларидан кўпроқ баҳраманд бўлиш тавсия этилади.

З. МАҲАМАТИЛЛАЕВ.

АҲОЛИ ТУРАР ЖОЙЛАРИДА

Ҳамиша гавжум

Собир Раҳимов район спорт комитетининг ходимлари ЖЭК ва маҳалла комитетлари билан ҳамкорликда аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқаришига ёрдам берадиган жуда кўп тадбирларни амалга оширишмоқда. Инструкторлар ва педагог ташкилотчилар раҳбарлигида агрегат заводининг маданият саройи қошида, 50, 23, 36, 39, 40-ЖЭКларда, шунингдек 133, 243-мактабларда саломатлик спорт шаҳарчалари ташкил қилинди. Бу шаҳарчаларда футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, югуриш йўлкалари мавжуд.

Саломатлик спорт шаҳарчаларида ҳар куни шахмат-шашка, стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказилияпти.

БУГУН

барча саломатлик спорт шаҳарчалари яна гавжум бўлади. Шаҳарда қолган ўқувчилар спорт майдончаларига келиб, футбол волейбол тенниси бўйича ташкил этилган мусобақаларда қатнашадилар. Учрашувларга спорт комитетининг ходимлари ва ЖЭК маҳалла комитетларининг педагог ташкилотчилари судьялик қилишади.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

- Маҳсулот сифатига ким жавоб беради?
- Гул ўрнига... бензин ҳиди
- Туя гўшти еган қурилиш
- «Химчистка» ишидаги нуқсонлар

• Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

БУЮРТМА БИР ҲАФТАДА БАЖАРИЛАДИМИ?

Шу йил 20 май куни «Химчистка» фабрикасининг кўчма қабул пунктига хонатлас кўйлак топширган эдим. Бироқ бир ойдан кейин олдим. Наҳотки битта кўйлакни химиявий усулда тозалаш учун бир ой вақт кетади!

А. ҲУСАНОВА.

В. СКРИПКА,
«Химчистка» фабрикасининг директори.

— Кейинги йилларда пойтахтимизда фабриканинг бир нечта янги қабул пункти очилди. Шу йилнинг ўзида 1 Май кўчасида филиал ташкил этилганлиги ҳам қувончлидир.

Коллективимиз аҳолига хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтириш билан бир пайтда буюртмаларнинг бажарилиш сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатиш ҳажмини ва турларини кўпайтириш тадбирларини кўряпти. Шунга қарамай ҳали ишимизда айрим камчиликлар борлигини инкор этмаймиз. Жумладан, буюртмачи А. Ҳусанованинг шикояти ўринли. Чунки у ўзи топширган буюмни бир ҳафта муддатда олиши керак эди. Буюртманинг бажарилиши муддати кечиктириб юборилганлигининг сабабини аниқладик. Кўчма машина қабул қилувчиси бетоб бўлиб қолганлиги сабабли унинг ўрнига янги қабул қилувчи тайинланган эди. Ёш ходимимиз тажрибасизлик қилиб, фабрикада тозаланган буюмларни ўз вақтида эгаларига топширишга улгурмаган. Ана шу ходимимиз ўз камчилигига иқрор бўлганлиги ва сидқидилдан меҳнат қилаётганини ҳисобга олиб, унга огоҳлантириш бериш билан чекландик.

Шуни ҳам айтиш керакки, кўчма қабул пунктлари яъни, «Химчистка» махсус автомобиллари 1976 йилдан бери аҳолига хизмат кўрсатаяпти. Дастлабки пайтда машиналар сони тўртта эди. Эндиликда шаҳримизнинг турли районларига саккизта машина қатнаяпти. Биз шаҳримиздаги айрим маҳаллаларда ва турар жой массивларида доимий қабул пунктларимиз йўқлигини ҳисобга олиб, махсус автомобиллар сонини кўпайтириш ниятидамиз. Шу йил охиригача кўчма қабул пунктларни ўтгага етказиш режалаштирилди. Демак, келгусида шаҳримиздаги ҳар бир районга биттадан машина хизмат кўрсатади. Аҳоли учун ғоят қулай бўлган ана шу хизмат тури доимий эътиборимизда бўлади.

АРМИЯ САФИДАГИ ХИЗМАТ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИМИ?

Мен яқинда пенсияга чиқишим керак. Совет Армияси сафида уч йил хизмат қилганман. Аммо хизматдан бўшаганимдан кейин заводга ишга киргунимча олти ой вақт ўтган. Айтингчи, армия сафидаги хизмат йилларим менга пенсия тайинлашаётганида умумий меҳнат стажимга қўшиладими ёки қўшилмайдими!

С. АЛИЕВ.

П. ШЕЯНОВ,
Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссариати сиёсий бўлимининг бошлиғи, полковник.

— Пенсияга чиқаётган вақтда умумий меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш ҳақидаги қоидага биноан СССР Қуролли Кучларининг составида, шунингдек, СССР Министрлар Совети ва СССР Ички ишлар министрлиги ҳузуридаги Давлат хавфсизлик комитети органларида, халқ қўнгиллилари ва партизан отрядларида хизмат қилган кишилар хизматдан бўшаганларидан кейин олий ўқув юрти ёки ўрта-махсус таълим ўқув юрти (шу жумладан, тайёрлов бўлимларига), аспирантура, клиник ординатура, курслар, малака ошириш бўйича билим юртлари ва мактаблари, кадрлар тайёрлаш билим юртларига уч ой муҳлат ичида келган бўлсалар, уларнинг хизмат йиллари узлуксиз меҳнат стажига қўшилади. Агар хизматдан бўшаган ва бошқа жойга ишга жойлашган вақт ўртасидаги фарқ уч ойдан кўп бўлса хизмат вақти умумий меҳнат стажига қўшилмайди.

СССР Қуролли Кучлари сафида, СССР Министрлар Совети ва СССР Ички ишлар министрлиги ҳузуридаги Давлат хавфсизлик комитетидан ҳомиладорлиги туфайли бўшатилган аёл хизматчиларга хизмат вақти, шунингдек уларга кўзи ёритгунга қадар нафақа тўланган муддат умумий меҳнат стажига қўшилади. Фақат бундай аёллар фарзанди бир ёшга тўлгунга қадар ишга жойлашган бўлишлари керак.



«Тошкент ҳақиқати» редакцияси қошида яқинда ташкил этилган ишчи қишлоқ муҳбирлари университетида йигирмага яқин ёшлар шуғулланишмоқда. Университет тингловчилари кунига-неча бир группа ишлаб чиқариш илғорлари ва журналистлар билан учрашадилар. Учрашувда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, «Ташсельмаш» заводи пайвандчилар бригадаси бошлиғи Маҳмуд Мўйдинов меҳнаткашлар хатлари билан ишлаш, сайловчилар наказларининг бажарилиши тўғрисида ўз тажрибаларини ўртоқлашди.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

• Бир хатга уч жавоб

Буюмдаги Сифат белгиси нега олиб ташланди?

Ҳурматли редакция! Қизим Дилфузага яқинда «Болалар дунёси» магазинидан «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган жемперин сотиб олган эдим. Уйга келиб қарасам, чўнтаклари қийғир-қийшиқ ўрнатилган, тугма тешиклари палапартиш, енг чоклари қийғир, иплари тўзиган экан... Баъзан эса ҳатто давлат Сифат белгиси қўйилган буюмларда ҳам шундай нуқсонларни учратиб, хафа бўлиб кетасан, киши... Наҳотки, бундай сифатсиз буюмлар тўғридан-тўғри савдога чиқарилса!

Н. ҒУЛОМОВА. «Оқтепа» массиви.

Р. ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи.

— Тўғри, харидор ҳақ. Баъзан ишлаб чиқариш занжиридаги айрим звеноларнинг, аниқроғи маҳсулот сифати учун жавобгар шахсларнинг ўта масъулиятсизлиги туфайли брак буюмлар савдога чиқиб кетади. Юқоридаги ҳолда ҳам техника назорати бўлимидаги ўртоқларнинг ўз ишига совуққонлиги натижасида брак буюм харидорга етиб борган.

Коллективимиз маҳсулот сифатини яхшилаш учун барча тадбирларни ишга солияпти. Бирлашмамизда маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системаси жорий этилган. Корхонанинг 37 та стандарти ишлаб чиқилган. Шундан 13 таси буюмлар сифатини яхшилашга қаратилган. Ўзбекистон ССР Енгил саноат Министрлигининг графигига биноан бирлашманинг бригада, участка ва цехларида мунтазам «Сифат кунлари» ўтказилиб турилади.

Бироқ маҳсулот сифатини яхшилаш учун фақат буларгина кифоя қилмайди. Буюмни сифатли тайёрлашда ҳом ашёнинг ҳам сифати катта аҳамиятга эгадир. Афсуски, бизга Чита ип-йигирув, Бухоро ип-газлама комбинатлари етказиб берётган хом ашёнинг (калаванинг) сифати паст. Бу буюмлар сифатига салбий таъсирини кўрсатади, албатта.

Лекин бунинг олдини олишга ҳаракат қиляпмиз. Келаётган хом ашёни маҳсус текшириб оламиз. Бирлашмамизда маҳсулотни нуқсонсиз тайёрлаш, нуқсонсиз ишлаш системалари, бригада пудрати кенг жорий қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўз самарасини беряпти.

РЕДАКЦИЯДАН: Бизга келаётган бошқа хатларда буюмларнинг стандарт талабларига жавоб бермаслиги, давлат Сифат белгиси қўйилган буюмларда нуқсонлар кўплиги тўғрисида ҳақли эътирозлар билдирилган. Шу муносабат билан редакция мутахассисга мурожаат этди.

Г. ВОҲИДОВА,
Ўзбекистон ССР Давлат Стандартлар бошқармаси ходими.

— «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида асосан катталар ва болалар учун кенг ассортиментда устки ва ички трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилади. Тайёрланаётган буюмларнинг 70 дан ортиқ ҳили давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда. Маълумки, фахрли беш қиррали белги қўйилган буюмлар ўзга буюмлардан ҳар томонлама устун бўлиши керак. Лекин буюмлар сифатини синчиклаб текширадиган бўлсак, ҳали уларнинг нуқсонлари кўплиги, стандарт талабларига жавоб бермаслиги, харидор дидига мос эмаслигининг гувоҳи бўламиз. Корхона ўтган йили брак буюм тайёрланганлиги учун 24.275 сўм жарима тўлаган, 54 та рекламация, шу жумладан болалар буюмига 2 та рекламация олган.

Юқоридаги харидор ҳақиқатан ҳам ҳақли эътироз билдирган. Чунки давлат стандарти бошқармаси ходимлари текшириш пайтида бундай жемперларнинг бир нечтасида чўнтаклари симметрияси нотўғри эканлигини, тугма тешиклари паст-баланд эканлигини, енг чоклари ва умуман чоклар қийғир-қийшиқ тикилганлигини, иплари тўзиб кетганлигини аниқлаганлар.

Бу буюмларнинг нуқсонлари кўп бўлганлиги учун, стандарт талабларига жавоб бермаганлиги учун улардан давлат Сифат белгиси олиб ташланди...

Бизнингча, корхона раҳбарлари бундан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишлари, маҳсулот сифатига жиддий эътибор қаратмоқлари лозим.

О. АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент «Болалар дунёси» магазини директори.

— Тўғри, баъзан техника назорати бўлими ходимларининг масъулиятсизлиги туфайли савдо тармоқларига брак буюмлар ҳам келиб тушади. Бизнинг ходимларимиз уларни текшириб, қабул қилиб оладилар. Баъзида уларнинг ҳам масъулиятсизлиги туфайли брак буюмлар харидор қўлига чиқиб қолиши мумкин. Юқоридаги воқеага ҳам худди шундай масъулиятсизлик сабаб бўлган.

Биз ҳар қандай брак буюмни харидор чекни сақлаб қолган ҳолдагина алмаштириб беришимиз мумкин. Шундай экан, Дилфузанинг ҳам жемперини албатта, алмаштириб берамиз.

ГАРАЖЛАР КЎЧИРИЛАДИМИ?

Уйларимиз яқинида болалар боғчасининг қурилганлиги ҳаммамизни мамнун этди. Бироқ тезда шахсий автомобиль эгалари бўлган корчалонлар боғча атрофида ўз хоҳишларича ЖЭК раҳсатисиз гаражлар қура бошлашди. Машиналар серқатновлиги боғча атрофидаги сўлим манзарага путур етказди. Гулларнинг ҳиди ўрнини бензин ва қорамойнинг ҳиди эгаллади.

Юнусобод 8—1 массивидаги 18, 19, 22, 23-уйларнинг истиқоматчилари.
Жами 23 киши имзо чеккан.

Ж. ЖОНИБЕКОВ,
Киров район Совети ижроия комитетининг раиси.

— Биз 18, 19, 22, 23-уйларда истиқомат қилувчиларнинг юқоридаги шикоятидан хабардормиз. Шу шикоятга кўра махсус комиссия тузилиб, тилга олинган болалар боғчаси атрофидаги аҳвол тўла текшириб кўрилди.

Дарҳақиқат, мактабгача тарбия идоралари атрофида автомобиль ҳаракатининг гавжумлиги болалар ҳаёти учун жуда ҳам хавфли.

Боғча атрофида қурилган гаражларга келганда, истиқоматчилар жуда ўринли масалани кўтариб чиққанлар. Шу муносабат билан биз тузган комиссия автомобиль ва гараж эгалари билан атрофлича тушунтириш суҳбати ўтказди. Уларга боғча атрофидаги санитария тартибини бузмаслик, уни бузган тақдирда жавобгарлик қоидалари тушунтирилди.

Айни пайтда эса боғча ва гаражлар атрофидаги территория асл ҳолига келтирилиб, тозалаб қўйилган.

Истиқоматчилар «нима қилсак экан?» деб бош қотирмасалар ҳам бўлади. Гаражларни кўчириш масаласини биз аллақачон ўйлаб қўйганмиз. Шу кунларда Юнусобод бозори олдида автомобилларнинг тўхташ жойлари қурилиши қизғин олиб борилмоқда. Шу қурилиш ниҳоясига етгани замон гаражлар ҳам кўчирилади.

• Ташвишли сигнал

Уйимиз қачон битади?

«Марказ—22» кварталида қурилаётган дастлабки тўққиз қаватли уй-жой биносидан янги квартирага ордер олганимизга бир йилча бўляпти. Аммо ҳалигача қурувчилар ушбу бинода бинокорлик ишларини ниҳоясига етказгани йўқ. Аслида ўтган йилнинг ноябрь байрамида бино фойдаланишга топширилади, дейилган эди. Ўшанда ҳам, ҳатто Янги йил байрамида ҳам, энг кейинги ваъда — бу йил 1 Майбайрами арафасида ҳам ушбу бино фойдаланишга топширилмади. Объект қурилишига ҳар сафар борганимизда биз каби қўлида ордер билан сарсон бўлиб юрган кўплаб одамларни учратдик.

Бу ерда қурувчилар бажараётган ишнинг тайини ҳам йўққа ўхшайди. Шунинг учун ҳам бинони ишга тушириш муддати йилдан-йилга ўтиб келяпти. Ҳурматли редакция! Ушбу бинони қураётган 12-трест бинокорлари қачонгача ишни орқага судрашади! Бизнинг уйимиз қачон фойдаланишга топширилади!

Қорасарой кўчасида истиқомат қилувчи
Б. ТУРСУНОВ ва бошқалар.

М. МИРЗААҲМЕДОВ,
Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 12-қурилиш трести бош инженери.

— «Марказ—22» турар жой кварталини ташкил қилувчи ушбу уй-жой комплексининг биринчи навбати қурилиши 1976 йили бошланган эди. Лойиҳа-сметага мувофиқ объектда ҳаммаси бўлиб 2 миллион 278 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Ушбу объект қурилишини бошлаган Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 6-қурилиш трестининг 70-бошқармаси 1976 йилдан то 1979 йилга қадар бу ерда бор-йўғи 358,1 минг сўмлик қурилиш ишларини амалга оширишди, холос. Бунда улар уй-жой комплексининг асосан пойдевор қисмида ишлашганди. 1979 йилнинг июль ойига келиб, Тошкент қурилиш Бош бошқармаси составида бизнинг 12-қурилиш трестимиз ташкил этилгач, объект қурилишини 6-трестнинг 70-бошқармасидан 12-трестнинг 65-бошқармасига ўтказилди. Янги ташкил этилган трест меҳнат коллективлари объектда ишни жонлантиришга ҳаракат қилишди.

Хусусан, 1975 йилнинг ўзидаёқ 100 минг сўмлик, ўтган йили эса 943 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Аммо Тошкентдаги турар жой ва жамоат биноларини экспериментал лойиҳалаш зонал илмий тадқиқот институти меъморлари лойиҳаларга бу бино иш чизмаларида ҳали саноатимиз серияли ишлаб чиқармаётган бинокорлик материалларини кўзда тутилгани учун ҳам объектни қурилиш материаллари билан таъминлашда қийинчиликлар келиб чиқди. Натижада меъморлар бинодаги айрим конструкция ва бинокорлик материалларини ўзгартириб беришига тўғри келди.

Бундан ташқари, объект экспериментал қурилиш бўлганлиги учун конструкцияларни монтаж қилишда бир қатор қийинчиликлар келиб чиқди. Шунга қарамасдан 1981 йилнинг ўтган даври мобайнида бу ерда 904 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Шу йилнинг май ойида лойиҳаловчи институт бинонинг конструкциялари зилзилага бардошлилиги бўйича синовни ўтказди. Синов пайтида конструкциялар яхши натижа берди. Эндиликда объектда барча пардозлаш ва махсус қурилиш ишлари кенг кўламда ташкил этилияпти.

Аммо бу ерда микрорайон янгидан қурилаётганлиги учун ҳам водопровод, канализация, иссиқлик трассаси, энергия таъминоти каби инженерлик тармоқларини ўтказишда ҳам пул қайтиб келмаганлиги сабабли марказий бухгалтерия ўзининг 1980 йил 1 октябрдаги 3633/08-рақамли хати билан Фрунзе район алоқа узели орқали қидирув эълон қилди. Лекин Фрунзе район алоқа узели шу пайтгача бизнинг қидирув хатимизга жавоб бергани йўқ. Марказий бухгалтерия шу йил 7 июлда 5376/08-рақамли хатини яна Фрунзе район алоқа узелига юборибди, 3633/08-рақамли хат юзасидан текширув ўтказиб, жавоб беришни сўради.

Л. БОЙМУРОТОВА,
Фрунзе район алоқа узели бошлиғи.

— Тошкент шаҳар пенсия ва нафақаларни ҳисоблаш ва тўлаш марказидан 1980 йил 1 октябрда юборилган 3633/08-рақамли хат ўша куниёқ алоқа узелига етиб келган. 73-алоқа бўлимида ўтказилган текширувдан шу нарса маълум бўлдики, 6/108-рақамли 1980 йил 5 майда К. Пўлатова номига юборилган юз сўм пул переводи 73-алоқа бўлимига келиб тушган. 73-алоқа бўлимининг ходимлари 1980 йил 16 май куни юз сўм пулни К. Пўлатовага шахсан топширишган.

Бу ҳақда марказий бухгалтерияга 1980 йил 9 октябрь куни 01-01/6—108 рақамли хат орқали жавоб юборилган.

Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, шаҳар маркази пул переводларига нотўғри адрес ёзишни тарк этмаяпти, натижада нафақа ва пенсия пуллари ўз эгасига етиб бормайди, бошқа алоқа бўлимларида ётади ва орадан бир ой ўтгач, яна шаҳар марказий бухгалтериясига қайтариб юборилмоқда. Бу ҳолга барҳам бериш керак.

МИЖОЗЛАР РАНЖИШДИ

Биз Чилонзордаги савдо маркази ёнига жойлашган «Объектив» фотостудиясида 17 апрелда суратга тушган эдик. Суратимизни олиш учун беш маротаба боришга тўғри келди. Ҳалигача тайёр бўлгани йўқ. Бу ердагилар фақат бизни эмас, бизга ўхшаган жуда кўплаб мижозларни сарсон қилишмоқда. Иложи бўлса ёрдам берсангиз. Қандай қилиб суратларимизни олиш мумкин!

Д. ИСМОИЛОВА, А. ҚУТЛИЕВА, С. ХОЛМИРЗАЕВ.

Ҳ. МЎМИНОВ,
«Фотореклама» комбинатининг бош инженери.

— Мижозлар тўғри шикоят қилишибди. Ҳақиқатан ҳам «Объектив» фотостудиясида аҳолидан олинган буюртмаларнинг кўпчилиги ўз вақтида бажариб берилмади. Бунинг асосий сабабларидан бири Ярославль ва Красноярск шаҳарларидан олинадиган 24х30, 30х40 размердаги қоғозларни ўз вақтида ололмаётганлигимиздир. Шуни ҳам айтиш керакки, «Химреактив» магазинидан йил бошидан бери бирорта химикат олинган йўқ. Бу ҳам буюртмаларни ўз вақтида бажара олмаслигимизга сабаб бўлмоқда.

«Объектив» фотостудиясидаги буюртмачилар редакцияга шикоят қилишганидан кейин уларнинг суратини тезда ишлаб олиб бориб бердик. Мижозлар хурсанд бўлишди. Ҳозир янги лаборатория мудири Л. Волков бошчилигида бу ерда тартиб, интизом ўрнатилди, шикоятлар тезда бартараф қилиниб, мижозларга қулайлик яратилмоқда.

Суюнчи пуллар қани?

Учинчи фарзандим учун 20 сўм суюнчи олиш мақсадида 1980 йил май ойида Ленин район Совети ижроия комитети орқали ҳужжатларимни расмийлаштирдим. Июнь ойида 4/11 72-рақамли извещение олдик. Унда: Қўйлиқ—4 массиви, 14-уй, 15-квартира ўрнига — шу массивнинг 3-уй ва 39-квартираси ёзилган.

198-алоқа бўлимидан суюнчи пулини адрес чалкашлиги учун беришмади, адресни тўғрилашимизни айтиш ди: Биз Тошкент шаҳар пенсия ва нафақаларни ҳисоблаш ва тўлаш марказига бориб ҳам кўрдик. Орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Кирмаган эшигимиз қолмади. 20 сўм суюнчини биз ололмадик. У марказий бухгалтерияга ҳам бориб етмади. 198-алоқа бўлими пулни 92-алоқа бўлимига юбордик дейди, у ерда эса олмадик, дейишяпти.

Ноиба ва Эминжон ҚУЛМАТОВлар.

Ҳамза район, Куйбишев шоссеси, 7-тупик, 10-уйда яшаймиз. 1979 йилда олтинчи фарзанд кўрдим. 100 сўм суюнчи пули олиш учун 1980 йил март ойида ҳужжатларимни расмийлаштирдим. 73-алоқа бўлими орқали боради, дейишди. Шундан буён 73-алоқа бўлими ва Ҳамза район социал таъминот бўлими ўртасида сарсонмиз. Пулни қидириб Ш. Руставели кўчасидаги Марказий бухгалтериягача бордик. 15 ойдан буён юз сўм суюнчи пулини қидириб сарсон бўлдик. Сабаби нимада экан!

Карима ПЎЛАТОВА.

—Н. Қулматованинг учинчи фарзанди учун

А. ИСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги Тошкент шаҳар пенсия ва нафақаларни ҳисоблаш ва тўлаш марказининг бошлиғи.

20 сўм давлат нафақаси 1980 йил 11 июнда 597-рўйхатнинг 4/1172-рақамли переводи билан Тошкентдаги 59-алоқа бўлими орқали 198-алоқа бўлимига — **Қўйлиқ—4 массиви, 3-уй, 39-квартирага** юборилган. Н. Қулматовага Ленин район ижроия комитетидан берилган справкада ва унинг ёзган аризасида ана шу адрес кўрсатилган.

Боланинг отаси Э. Қулматовнинг мурожаатидан сўнг Ленин район инспектори О. Малишкина аризадаги адресни Э. Қулматов паспорти бўйича **Қўйлиқ—4 массиви, 14-уй, 15-квартира,** деб тўғрилаб қўйди. Н. Қулматова аризада адресни нотўғри кўрсатганлиги сабабли унга тегишли пул нотўғри адресга юборилган. Э. Қулматов кидирув эълон қилди ва нотўғри адресли извещениени 198-алоқа бўлимига топширган. 198-алоқа бўлими ходимлари айтишича 20 сўм 92-алоқа бўлимига юборилган. Лекин 92-алоқа бўлими пулни ҳанузгача олмаган.

* * *

К. Пўлатованинг олтинчи фарзанди учун юз сўм 1980 йил 5 майда 6/108-алоқа переводи билан 59-алоқа бўлими орқали Тошкентдаги 73-алоқа бўлимига — **Қўйбишев шоссеси, 3-проезд 10-уйга** юборилган. Чунки онанинг олтинчи фарзанд учун нафақа тайинлаш тўғрисида ёзган аризасида ана шу адрес кўрсатилган.

К. Пўлатова юз сўм нафақани олмагани ва марказий бухгалтерияга ҳам пул қайтиб келмаганлиги сабабли марказий бухгалтерия ўзининг 1980 йил 1 октябрдаги 3633/08-рақамли хати билан Фрунзе район алоқа узели орқали қидирув эълон қилди. Лекин Фрунзе район алоқа узели шу пайтгача бизнинг қидирув хатимизга жавоб бергани йўқ. Марказий бухгалтерия шу йил 7 июлда 5376/08-рақамли хатини яна Фрунзе район алоқа узелига юборибди, 3633/08-рақамли хат юзасидан текширув ўтказиб, жавоб беришни сўради.

РЕСПУБЛИКА МАТБААЧИЛИГИ БАЙРОҚДОРИ — 60 ЁШДА

Бугун республика жамоатчилиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети босмахонаси ва нашриётининг 60 йиллигини нишонламоқда.

Нашриёт коллективи ярим асрдан зиёд шонли йўлни босиб ўтди. Бундан фақат ўша йиллари чоп этилган газета ва журналларнинг подшивкалари эмас, балки корхона ва унинг цехларидаги ўзгаришлар ва албатта бу ерда ишлаган унинг одамлари гувоҳлик бериб турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти мамлакатимиздаги энг йирик полиграфия корхоналаридан биридир. У кўчма армия босмахонаси билан кичкинагина шаҳар босмахонасининг бирлашишидан вужудга келган эди. У пайтда бу ерда бир неча юз кишигина ишларди, холос. Босмахонада учта газета: «Правда Востока», «Қизил Ўзбекистон» ва «Ак жол» газеталари чоп этиларди.

1934 йилга келиб Ўрта Осиёда 200 минг нусха бўлган 7 та ўлка газетаси ва умумий тиражи 1 миллион нусхадан зиёд 150 тага яқин район ва 82 та снёсий бўлим газеталари чоп этилди.

Совет ҳукуматининг биринчи кунларидан бошлабоқ ҳўжалик ва маданий қурилишнинг барча жабҳаларида матбаачилар Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ва унинг Марказий Комитетининг содиқ ёрдамчилари бўлиб қолдилар.

Биринчи беш йилликлар мобайнида улар барча муҳим қурилишларда фаоллик билан иштирок этдилар. Катта Фарғона ва Шимолий Фарғона каналларини қурилишида «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» республика газеталарининг сайёр редакциялари ишлаб турди. Бу ерда кўчма босмахоналар ташкил этилиб, улар газеталарнинг ўз вақтида чиқишини таъминлаб турди.

Матбаачилар Улуғ Ватан уруши йиллари даврида ҳам катта ишларни амалга оширдилар. Бизнинг корхонамиз қошида фронт газеталари учун босмахона ташкил этилди.

Коммунистик партиянинг доимий гамхўрлиги туфайли республикамизда ягона партия ва совет матбуоти базаси ташкил этилди. Бу эса маҳаллий аҳолидан малакали кадрлар тайёрлаш имконини берди. Нашриёт босмахонаси янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Натижада янги газета, журнал, брошюра ва китоблар чоп этила бошланди. Шунингдек, бу ўз навбатида Совет Ўзбекистонида марксизм-ленинизм ғояларини, партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини кенг пропаганда қилишга имконият яратди.

Урушдан кейинги йилларда босмахонани кенг реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Қайта тиклаш ишлари ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда амалга оширилди. Асосий бинога кўшимча яна икки қаватли бино қурилди. Ёнида эса олтита ишлаб чиқариш корпуси қад кўтарди. Ишлаб чиқариш қувватларининг кучайтирилиши янги газета ва журналлар чоп этиш, уларнинг нусхасини кўпайтириш имконини берди.

1966 йилдаги қаттиқ ер силкиниши Тошкентнинг барча аҳолиси каби нашриёт коллективи учун ҳам катта синов бўлди. Эски ишлаб чиқариш бинолари ер силкинишидан катта зарар кўрди. Уларни бутунлай бузиб ташлашга тўғри келди. Шаҳарда қайта тиклаш ишларини амалга ошириш пайтида янги редакция очилди ва коллективга тўртта газета ва янги «Гулистон» журналини чоп этиш топширилди. Ишчи кадрлар етишмайдиган оғир бир шароитда нашриёт коллективи бу топшириқни шараф билан уддалади.

Қисқа муддат мобайнида бизнинг корхонамиз фақатгина қайта тикланибгина қолмай, балки ҳар томонлама кенгайди. Ҳозирги кунда техника тараққиёти ва фан ютуқлари асосида мунтазам ривожланиб, республика матбаачилигининг байроқдорига айланди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати республика полиграфия саноатининг ривожланиши, унинг ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамланиши учун катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бизда биринчи бўлиб Ўрта Осиёда алоқа каналлари бўйича марказий газеталарни қабул қилиб олиш пункти ишлаб турибди. Кўплаб янги ҳарф териш ва печать қилиш асбоб-ускуналари ўрнатилди. Булар эса газеталар тайёрлаш муддатини кескин қисқартириш, уларнинг сифатини яхшилаш, донимий нашрларнинг нусхасини кўпайтириш имконини берди.

Ҳозирда Тошкентдаги ва Ўрта Осиё республикаларининг кўпгина шаҳарларидаги обуначилар «Правда», «Известия» ва бошқа марказий газеталарни бир вақтнинг ўзида москваликлар билан бирга олиб ўқиш имкониятига эгадирлар.

Корхонамиз доимо ўсиб боряпти, ишлаб чиқариш технологияси такомиллашяпти, ишлаб чиқариш корпуслари кенгаймоқда. Босмахонада 10 та бўяш машиналаридан иборат комплекслашган, автоматлаштирилган участка ташкил этилган ва бошқа бир қатор янги участкалар ишлаб турибди. Хуллас, қарийб барча цехлардаги эски дастгоҳлар, янгилари билан алмаштирилди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида нархи 4 миллион сўмликдан зиёд бўлган 180 та технологик асбоб-ускуналарнинг ўрнатилганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоядир. «Госкомьюнити» офсетростация машиналари, «ДЦ—300» электрон-рангкорректори, «Ваноклишограф» электрон ўювчи автомат, китоб ва журнал блокларини тикмасдан мустаҳкамлайдиган «Ротор-биндер» типидаги агрегат ва бошқа кўплаб такомиллаштирилган ва юксак унум билан ишлайдиган асбоб-ускуналар шулар жумласидандир.

Ўтган йиллар мобайнида нашриётда малакали моҳир матбаачилар: ҳарф терувчилар, печатниклар, муқовачилар ва шунга ўхшаш касбдаги етук кадрлар етишиб чиқди. 9-ҳунар-техника билим юртида ва унинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти қошидаги филиалида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирда нашриётда чоп этишнинг барча ҳилларини: юқори, чуқур ва офсет усулда чоп этиш мавжуд. Булар эса чоп этиш ишларини юксак матбаачилик даражасида амалга ошириш имконини бермоқда.

Социал, иктисодий ва техник жиҳатдан комплекс ривожлантириш планига биноан келгусида техника тараққиётини янада ривожлантириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, қўл меҳнатига барҳам бериш, ишчи ва хизматчиларнинг маиший ва меҳнат шароитларини яхшилаш кўзда тутилган.

Ихтисослаштирилган газета, журнал корхонаси бўлган нашриётда ҳар куни нусхаси 6 миллиондан ортиқ бўлган 36 та марказий, республика, область ва шаҳар газеталари ва ойлик тиражи 8 миллион нусха бўлган 40 та журнал чоп этилмоқда.

Замонавий матбаа базасининг ташкил этилиши ишлаб чиқаришда газеталар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирда нашриётда чоп этишнинг барча ҳилларини: юқори, чуқур ва офсет усулда чоп этиш мавжуд. Булар эса чоп этиш ишларини юксак матбаачилик даражасида амалга ошириш имконини бермоқда.

Социал, иктисодий ва техник жиҳатдан комплекс ривожлантириш планига биноан келгусида техника тараққиётини янада ривожлантириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, қўл меҳнатига барҳам бериш, ишчи ва хизматчиларнинг маиший ва меҳнат шароитларини яхшилаш кўзда тутилган.

Ихтисослаштирилган газета, журнал корхонаси бўлган нашриётда ҳар куни нусхаси 6 миллиондан ортиқ бўлган 36 та марказий, республика, область ва шаҳар газеталари ва ойлик тиражи 8 миллион нусха бўлган 40 та журнал чоп этилмоқда.

Замонавий матбаа базасининг ташкил этилиши ишлаб чиқаришда газеталар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирда нашриётда чоп этишнинг барча ҳилларини: юқори, чуқур ва офсет усулда чоп этиш мавжуд. Булар эса чоп этиш ишларини юксак матбаачилик даражасида амалга ошириш имконини бермоқда.

Ўтган беш йилликни муддатидан илгари бажариб, янги беш йилликка дадил қадам қўйган ишчиларнинг номини бутун коллективимиз ҳурмат билан тилга олади. Егор Умархўжаев, Юрий Алексеев, Абдукарим Нишонов, Баёз Миродилов, Игорь ва Владимир Швец, Антонина Томкина, Николай Ключников, Тамара Федорова, Людмила Буравлева, Ибод Бобоназаров, Сайёра Мирзаахмедова, Тамара Дубинская, Қахрамон Аҳмедов, Ҳайрулла Юнусов ва бошқа юзлаб ишчилар шулар жумласидандир. Уларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланишган. Уларнинг кўпчилигига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрли унвони берилган. Ватан ҳам босмахона коллективи меҳнатини юксак баҳолади. Тўқсонинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарганлиги учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Босмахона ва нашриёт коллективининг меҳнат зафарлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг тўртта фахрий ёрлиги, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Эсдалик кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланган.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларидан илҳомланган нашриёт коллективи ўз олдида масъулиятли вазифалар турганлигини чуқур ҳис этиб, юксак унум билан меҳнат қилмоқда.

Шулардан бири — янги газета чоп этиш комплексини бунёд этишдир. Бу ерда офсет усулида газеталарни печать қилишнинг илғор технологияси қўлланилади. Бу комплекс қурилишини тасаввур қилиш учун технологик асбоб-ускуналарни ўрнатишга кетадиган 30 миллион сўмлик маблағни эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Нашриёт янги еттинчи ўн йилликка қадам қўяр экан, унинг ишчи ва хизматчилари, инженер-техник ходимлари ўз олдиларига қўйилган у ёки бу вазифаларни муваффақиятли адо этишга қатъий ишонч билдирадилар.

Ҳ. ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти директорининг ўринбосари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

«РУС ТИЛИНИ ЎРГАНИШНИ ИСТАЙМАН»

АДДИС-АБЕБА. «В. И. Ленин асарларининг асли нусхаларини ўқимоқ учун рус тилини ўрганишни истайман», — деди «Искатит-66» сиёсий мактабининг ўқитувчиси Абдулафез Юсуф. Аддис-Абеба университетининг студенткаси Айналем Ашебир «улуғ рус тилини Толстой, Чехов, Горький тилини билиш инсонни маънавий бойитади», деб ҳисоблайди. «ССРР да ёшлар ҳаракати тарихини биринчи манбалардан ўрганмоқ учун рус тили курсларига келдим», — деди революцион Эфиопия ёшлари уюшмаси бўлимининг активи Муссиё Аффефорк.

АДДИС-АБЕБА университети ҳузуридаги рус тили курсларига келаётган кишиларнинг ҳаммасини дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг ўтмиши ва ҳозирги куни билан, унинг бой маданий мероси билан таништиш ниятида бирлаштирган.

Совет Иттифоқидан келган ўқитувчилар коллективи бу ерда икки йилдан буён самарали меҳнат қилмоқда. Курсларда бир неча группа: ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда шуғулланаётган кишилар учун кечки, университет студентлари учун эса кундузги группалар ташкил этилган.

ДЎСТЛИК ЙЎЛИ

МАПУТУ. СССР пойтахти билан Мозамбик пойтахти ўртасида бевосита ҳаво қатновни очилган кунга беш йил тўлди. 1976 йил июлида очилган Москва-Мапуту йўли ҳақли равишда иккала мамлакат халқларининг «дўстлик ва ҳамкорлик кўприги» деб ҳисобланмоқда. Беш йил мобайнида аэрофлот кемалари шу йўл орқали 20 мингдан кўпроқ пассажир, кўп миқдорда турли юклар ташиб берди.



ЧССР. Кунлар исиши билан Шарқий Чехиядаги Аджлпаш—Теплицк (суратда) қоясининг ажойиб манзараси янада жонланиб, кишилар билан гавжум бўлади. Мамлакатнинг турли районлари ҳамда чет эллардан келган минглаб туристлар қоянинг гайри оддий манзарасини қизиқиб томоша қиладилар, Матуе дарёси бўйлаб сайр этадилар. Қояларни забт этувчи спортчилар бу ўлканинг тезтез келиб турадиган меҳмонларидир.

ЧТК—ТАСС фотоси.

Тўла-тўкис қувватламоқдалар

ВАРШАВА. Польша Халқ Республикаси Сейми СССР Олий Советининг жаҳон парламентларига ва халқларига мурожаатномасини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда. Биз, дейилади, ПХР Сеймининг бир овоздан қабул қилинган қарорида, бу мурожаатномани Совет Иттифоқининг изчил тинчликсевар ташқи сиёсатини тасдиқловчи яна бир далил, деб биламиз.

СССР Олий Совети гитлерчилар Германияси СССРга хиёнаткорона қилган ҳужумининг 40 йиллиги кунларида бу мурожаатномани қабул қилди. Мурожаатнома урушда энг кўп қурбон берган ва фашизмни тор-мор келтиришда ҳал қилувчи куч бўлган совет халқининг қаҳрамонона курашини эсга туширади. Гитлерчи жаллодлар томонидан қирилишга маҳкум этилган поляк халқи совет ва поляк жангчиларининг мамлакатни озод қилиш ва Одер, Нейсе ва Балтика бўйлаб ўтган чегараларида унинг тинч ривожланиши учун шароит вужудга келтириш йўлида биргаликда олиб борган курашини ҳеч қачон эслан чиқармайди.

ПХР Сейми, деб таъкидлаб ўтилади қарорда, мурожаатномада музокараларни ҳеч қандай шарт қўймай мумкин қадар тезроқ бошлаш ҳозирги кунда асосий масала, деб изҳор қилинган ишончга тамомила қўшилади. Музокаралардан кузатилган мақсад — ракета-ядровий қуролланиш пойгасининг янги босқичи бошланишига йўл қўймасликдир. Қуролланиш пойгаси Европадаги барча давлатларнинг осойишталигига таҳдид қиладиган мудҳиш оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Биз СССР билан АҚШ ўртасида музокаралар бошлашни жуда зарур қадам, деб ҳисоблаймиз. Л. И. Брежнев ҳақида илгари сурган таклифлар бундай музокаралар учун яхши негиз бўлиб хизмат қилади.

Социалистик Польша қуролсизланиш ва кескинликнинг юмшатилишини мустаҳкамлаш юзасидан КПСС XXVI съездида қабул қилинган программани амалга оширишда Совет Иттифоқи билан, барча социалистик мамлакатлар билан биргаликда ҳаракат қилишга қатъий қарор берганлигини яна бир марта таъкидлайди.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

КОБУЛ. Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар институти ўз ишини тобора кенгайтирмоқда. Институтда партия-педагогика факультети ҳам очилди. Мамлакатнинг турли вилоятларидан келган 150 студент бу ерда ижтимоий ва партиявий фанларни, мактаб программаларига киритилган янги фан — жамиятшуносликни ўқитиш методикасини ўрганадилар.

АНҚАРА. Туркия миллий хавфсизлик кенгаши янги парламент чақирилгунча мамлакатда бутун қонун чиқариш ҳокимиятини ўзида олганлиги кейин тарқатиб юборилган эди. Таъсис мажлиси составига ҳозирги вақтда тақиқлаб қўйилган сиёсий партияларнинг арбобларидан бирон киши ҳам киритилмайди, деб хабар берилади.

* * *

Туркия сил касаллигига қарши курашда муҳим ютуққа эришди. Сил касаллиги билан кураш жамияти бошқаруви Н. Карасунинг маълум қилишича, мамлакатда шу касалликнинг очиқ формаси тугатилди. Ўтган вақтларга сил касаллиги билан оғриган беморлар орасида улар 2—3 процентни ташкил қиларди.

* * *

Шу йилнинг апрель ойида тамом бўлган 1980 молия йилида Туркия Давлат бюджетидаги камомат 140 миллиард Туркия лирасидан ошиб кетди, деб хабар берди планлаштириш давлат ташкилоти. НАТО ҳарбий блокининг аъзоси бўлган Туркия ўз бюджетининг қарийб 20 процентини ҳар йили ҳарбий эҳтиёжлар учун сарфлашга мажбур бўлмоқда. Бу эса мамлакат экономикаси учун оғир бўлиб тушмоқда.

КУВАЙТ. Кувайт аҳолиси 1965 йилда икки миллионга етмиш ишига етади. 1975 йилдан бошлаб аҳоли ўсиши кўрсаткичлари асосида тузилган марказий статистика бошқармаси ахборотида шулар эълон қилинган.

Ҳозирги вақтда мамлакатда бир миллион 356 минг киши яшамоқда. Буларнинг ярмидан кўпи араб Шарқи ва Осиё мамлакатларидан келган муҳожирлардир.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати мамлакатнинг кишлоқ районларида тош йўллар тармоқларини қуриш учун 11 миллиард рупиядан кўпроқ маблағ ажратди. Ҳиндистонни социал-иктисодий ривожлантиришнинг 1980—1985 йилларга мўлжалланган олтинчи беш йиллик планига мувофиқ 20 минг кишлоқ ва посёлка билан шаҳар марказлари ўртасида йил бўйлаб қатнайдиган автобуслар йўналишлари очилади. Бу эса олис районларни иктисодий жиҳатдан ривожлантиришни тезлаштиришга, маҳаллий табиий ресурсларни ишга солишга ва мамлакат кишлоқ аҳолисини мумкин қадар кўпроқ иш билан таъминлашга хизмат қилади.

ТО Справкалар бюроси

ҲАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Т. ҚОСИМОВ: Айрим корхоналарда мавжуд бўлган коллектив богдорчилик ва томорқачилик комиссияларининг асосий функцияси нима?

Жавоб: Корхона маҳаллий комитетининг коллектив богдорчилик, томорқачилик ва чорвачилик бўйича комиссияси ишчи ва хизматчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш мақсадида ташкил этилади. Комиссиянинг вазифаси коллектив богдорчиликни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, хўжаликларни ем билан таъминлашда иштирок этиш, зараркунандаларга қарши кураш, йўллар, водопровод қувури, электрлаштириш ва бошқа ободонлаштириш ишларида қатнашишдан иборат.

* * *

Н. РОЗИҚОВ: Янги холодильникнинг ҳиди бўлади, уни қандай қилиб йўқ қилиш мумкин?

Жавоб: Янги холодильникнинг ҳидини йўқотиш учун уни илиқ сув билан совунлаб ювиш керак, сиртини озгина сирка қўшилган сувда ҳўлланган латта билан артиш, зичлаштирувчи резинасини кунгабоқар мойи билан мойлаш керак. Кейин холодильникни шамоллатиш ва ичига ҳидютгич қўйиш керак.

* * *

И. ЗУҲРИДДИНОВ: Мен ўрта мактабни битирдим. Орзуим тепловоз машинисти ёрдамчиси бўлиш. Тошкентда бу касбни қаерда эгаллаш мумкин?

Жавоб: Тошкентда тепловоз машинисти ёрдамчиси касбини локомотив депоси қошидаги беш ойлик курсларига кириб ўқиб эгаллаш мумкин. Бу курсга 8—10-синф маълумотига эга бўлган ёшлар қабул қилинади. Ўқувчиларга 60 сўм стипендия, хоҳловчиларга ётоқхона берилади. Тошкент локомотив депоси шаҳарнинг Куйбишев шоссесида жойлашган.

* * *

Л. ҒАНИЕВ: ВЦСПС уруш қатнашчиларига курорт хизматини яхшилаш бўйича қарор қабул қилди. Унинг моҳияти нима?

Жавоб: Қарорда 1981 йилдан бошлаб социал таъминот органлари томонидан пенсияда бўлган ва ишлаётган Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига курортда ва санаторийларда даволаниш учун қўшимча путевкалар ажратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари мамлакат курортларига путёвкасиз бораётган Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига амбулатория курортда даволаниш учун путевкалар сотиш кўзда тутилган. Бутуниттифоқ курортларига октябрь ойидан апрель ойигача путевка олганда (бошқа курортларда бутун йил мобайнида) улар яшаш ва овқатланиш учун ҳақ тўлашади. Даволаниш эса бепул, давлат социал страхованиеси бюджети ҳисобидан бўлади.

* * *

А. ХОЖИЕВА: Эмизикли боласи бор аёлларга болани овқатлантириш учун қай тартибда танаффус берилади?

Жавоб: Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффус муддати ва тартиби маъмурият томонидан маҳаллий комитет билан келишиб, онанинг истагини ҳисобга олиб белгиланади. Танаффус ҳар уч соатда, ҳар бири 30 минутдан қилиб берилади. Бундай танаффуслар иш вақти нормасига киради ва унга ўтгача иш ҳақи бахосида ҳақ тўланади.

ҲАР ТЎҒРИДА

Нессининг туғишган синглиси

Гўёки Несси лақабли сирли мавжудот яшайдиган Англиядаги Лох-Несс кўлининг шуҳрати АҚШдаги шовқин-суронли воқеалар ишқибозларини тинч қўймаяпти. Америка матбуотининг таъкидлашича, Нессининг Чемпа лақабли туғишган синглиси бор эмиш. У Вермонт ва Нью-Йорк оралиғида жойлашган чуқур Чемплейн кўлида яшар экан. Журналистларнинг айтишича, Чемпанинг борлиги биринчи марта 1609 йилда қайд этилган. Шундан бери одамлар уни юз мартадан ортиқ кўришган.

Баъзиларнинг таъкидлашича, бу ғалати мавжудотнинг бўйи 45 футни (1 фут—30 см) ташкил этади. Унинг боши от калласига ўхшаб икки шохи ҳам бор.

Маҳаллий ҳокимият бу ҳайвонни сақлаб қолиш учун барча чора-тадбирларни кўражаклигини билдирди. Бадавлат бизнесменлар эса ҳозирданоқ Чемпанинг тасвири туширилган сувенирларни ишлаб чиқаришга киришдилар. Улар ҳокимиятдан «Чемпанинг туғишган синглиси Нессини» Қизил китобга ёзилишини талаб қилмоқдалар.



«Гипрониполиграф» лойиҳалаш институтининг Тошкент филиали лойиҳачилари шинам ва қулай бинолар ранг-баранг лойиҳаларини тайёрлашмоқда. Ушбу суратда сиз (чапдан) бўлим бошлиғи В. В. Сац-Дмитрук группа раҳбари Л. С. Талманова, бош архитектор Я. В. Нильсен, группа раҳбари Р. С. Воронова, бўлим бошлиғи М. Л. Айзинов ва группа раҳбари А. Турғуновларни янги макет устида кўриб турибсиз.
И. Шоногомов фотоси.

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

БИР КАСБДА 30 ЙИЛ

Улуғ Ватан уруши бошланганда Тоир энди 14 баҳорни кўрган бола эди. Онла ташвиши ёш Тоирни ўқишни ташлаб ишлашга мажбур қилди...

Уруш тамом бўлиб, тинч яратувчилик даври бошланганда Т. Набиев милиция сафига ихтиёрий равишда кирди. Бу касбда ўттиз йил ҳалол, мардона, сидқидилдан меҳнат қилди.

— Ўттиз йил милицияда хизмат қилиб, уч йил муқаддам меҳнат ветерани бўлиб пенсияга чиқдим, — дейди Тоир ака. —Аслида беш йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга эдим ва шундай қилмоқчи ҳам бўлдим. Лекин бир воқеа сабабли хизмат муддатимни беш йилга узайтирдим. Бу шундай бўлган эди:

— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори Ислом Ғаффорович Сатторовни ким танимайди, дейсиз. Шу одам бошқармага янги бошлиқ этиб тайинланганда милиция полковниги эди. Биринчи йиғилишдаёқ сўзлаган нутқини эшитиб, унга нисбатан муҳаббатим ортди.

Бир куни мени бошқарма бошлиғи ўз ҳузурига чақирганини айтишди. Генерал қабулига кирганимда у мени яхши кутиб олди ва шундай деди:

— Ўртоқ Набиев, сиз пенсияга чиқмоқчи бўлибсиз. Ҳали бақувват кўринасиз. Сизни мен яхши биламан. Сиз каби кадрлар давлатнинг олтин фонди ҳисобланади. Энди капитан бўлибсиз. Яна беш йилгина хизмат қилолмайсизми?! Бир ўйлаб кўринг... Хайрлаша туриб, қўлимга қоғоз тутқазди. Бир ойлик маош билан мукофотлабди...

Дарахтни ер, одамни эл кўкартиради, деганларидек, ўсиб-улгайган коллективимда янада зўр ғайрат билан меҳнат қилдим.

Оддий милиционерликдан милиция майори лавозимигача кўтарилган Т. Набиев ўттиз йиллик меҳнат фаолиятида кўпгина жиноятчиликнинг олдини олди, жиноятчиларни қўлга туширишда, уларга қарши курашда мардлик, жасорат кўрсатди.

Фрунзе районида ишлаб юрган кезларида тунда икки соқчи билан патрулликка чиқишди. Тунда чуқур ёнида бир группа кимсалар қандайдир жиноятни амалга оширишаётган эди. Маълум бўлишича, етти киши бир йўловчини тунашаётган экан. Патрулларни кўргач чор-атрофга қочишди. Тоир ака уларнинг бири кетидан қувди. Ҳоли жой топган безори қўлга тош олиб ҳужумга ўтди. Кўрққандан ботир чиқмас, деди ўзича Тоир ака. Жиноятчининг қўлидаги тошни эпчиллик билан уриб туширди ва ўзини таянич пунктига олиб келди. Безорилар қилмишига яраша жазо олди.

Шунга ўхшаш мисолларни милиция майори Т. Набиев ҳаётидан яна кўплаб келтириш мумкин. Унинг бу хизматлари муносиб тақдирланган. У Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, СССР ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрликлари, шунингдек шаҳар партия ва ижроия комитетларининг Фахрий ёрликлари, эсдалик совғалари, кўкракка тақиладиган нишонлар ва медаллар билан бир неча бор тақдирланган.

Меҳнатда камол топиб, обрў қозонган Тоир ака Набиев ҳамон бардам, типиб-тинчмай эл хизматини адо этяпти.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

ГИГАНТ ШАҲАР

Якунланувчи шу юз йилликда Мексика пойтахти Мехико жаҳондаги аҳолиси кўп шаҳарлардан бири бўлиб колса керак. Нотимекс агентлигининг хабар беришича, унинг халқи 30 миллион кишидан ортиб кетар экан. 2 мингинчи йилга бориб, бешдан тўрт мексикалик шаҳарда яшайдиган бўлади. Мамлакатда эса еттинчи миллионер шаҳар пайдо бўлади.

Пойтахт аҳолисининг тўхтовсиз ўсиши маҳаллий ҳокимият олдида қийинчиликлар туғдирмоқда. Натижада аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ва уни ичимлик сув билан таъминлаш тобора оғирлашиб бормоқда.

Маҳаллий ҳокимиятнинг аҳолини шаҳар ташқарисида яшашга мажбур этиш ва шаҳардан бир неча ўн километрлаб узоқликда йўлдош шаҳарчалар бунёд этиш ҳақидаги қарор ва таклифлари ёрдам берадими, йўқми буни албатта, келажак кўрсатади.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ..

Тенг имтиёз берилган

Ҳурматли редакция! Улуғ Ватан урушининг турли группа инвалидлари бир масалада тортишиб қолдик: айтингчи I, II, III группа Улуғ Ватан уруши инвалидлари шаҳар транспортида бепул қатнашда тенг имтиёзга эгами? Партия ва ҳукуматимизнинг Улуғ Ватан уруши инвалидлари учун белгиланган имтиёзларида шу нарса кўзда тутилганми? Илтимос, шу ҳақда маълумот бер сангиз.

Ю. ХОЛИКОВ, Б. ЎРОЗОВ, Ғ. ТЎРАЕВ Улуғ Ватан урушининг I, II, III группа инвалидлари.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1975 йил май ойидаги қарорига кўра Улуғ Ватан урушининг барча группа инвалидларига шаҳарларда барча транспорт хизматидан (такси бундан мустасно) бепул фойдаланиш имтиёзи берилган. Шунингдек, ўзларига истиқомат қилиб турган кишлоқ жойларидаги территорияларда ҳам Улуғ Ватан урушининг барча инвалидлари жамоат автомобиль транспорти хизматидан (такси бундан мустасно) бепул фойдаланиш имтиёзига эгадирлар.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет. ОҚШОМИ
10 ИЮЛЬ, 1981 й.

КИНО

10 ИЮЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» — **Чайка, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Москва, Нукус, Қозоғистон.**

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (1—2-сонлар) — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«ЮЛДУЗЛАР САРИ БИРГАЛИКДА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТУМАНДА ЭШИТИЛГАН ИККИ ГУДОК» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«БУГДАН ВИСЛАГАЧА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ЧЕТ ЭЛ МАРКАЗИНИНГ ЭМИССАРИ» — **Искра** (17.20 да, телефон 39-14-59).

«ТАРСАКИ» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

11 ИЮЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» — **Чайка, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Москва, Нукус, Қозоғистон.**

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (1—2-сонлар) — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли,**

«ЮЛДУЗЛАР САРИ БИРГАЛИКДА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БУГДАН ВИСЛАГАЧА» — **ЛИСУНОВ номли** (тоқ соатларда).

«ЧЕТ ЭЛ МАРКАЗИНИНГ ЭМИССАРИ» — **Искра** (17.20 да, телефон 39-14-59).

ЎЗБЕКИСТОН ССР 40 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТЎЙТЕПА МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ЗАВОДИГА

Капитал қурилиш бўлими бошлиғи вазифасига иш тажрибасига эга бўлган қурувчи инженер

КЕРАК

Завод квартира билан таъминлайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Тўйтепа шаҳри.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг

ГРАЖДАНЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДА

«ҚОРА ЛОЛА»

ФИРМАСИ ИШЛАМОҚДА

Фирма Тошкент шаҳри аҳолисига дафн маросимларида хизмат кўрсатади.

Заявкалар 00 ва 33-21-25 телефон номерлари бўйича ҳар куни (дам олиш куниси) бутун сутка давомида қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, 1-Май кўчаси, 95-уй.

«УЗБИТХИМПЛАСТ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг

1-ФИРМА МАГАЗИНИГА

сотувчилар, секция мудирлари, савдо зали администратори

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

Уй-жой қуриш комбинатининг

60-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

монтажчилар, дурадгорлар, сувоқчи-бўёқчилар, электр пайвандчилар

КЕРАК

Иш ҳақи — аккордли — мукофотли. Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар, оилалиларга навбати билан квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона, марказий пункти.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

31 ИЮЛЬ — 9 АВГУСТ КУНЛАРИ

«МОСКВА МУЗ УСТИДА БАЛЕТИ» ГАСТРОЛЛАРИ

ЯНГИ ПРОГРАММА

«МУЗ ВА ФАНТАЗИЯ»

Эркин учиш бўйича жаҳон чемпиони, олимпиада ўйинлари ва жаҳон, Европа биринчиликларининг кўпкарра кумуш медали совриндори, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери СЕРГЕЙ ЧЕТВЕРУХИН

СССРнинг беш карра чемпиони, СССР кубогининг кўпкарра совриндори ВАЛЕРИЙ МЕШКОВ

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар: Валерий БАБИДСКИЙ, Татьяна КАТКОВСКАЯ, Владимир ЛУЗИН, Зафар ШОКИРОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Спектакллар ҳар куни соат 19.30 да, якшанба кунлари соат 15.00 ва 19.30 да бошланади.

Билетлар 3 июлдан бошлаб марказий «Юбилей» спорт зали кассасида соат 8.00 дан 20.00 гача сотилади.

Коллектив заявкалар қабул қилинмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-07-53.

ТЕЗ ВА ТАШВИШСИЗ

БИЗ МАГАЗИНЛАРДАН ҚАЙМОҚ, ПАХТА ЕҒИ ВА МАЙОНЕЗ, МИНЕРАЛЬ СУВИ, КОНСЕРВАЛАНГАН САБЗАВОТЛАР ВА КОМПОТЛАРНИ СОТИБ ОЛИБ ИШЛАТАМИЗ. БЎШАГАН ШИША ИДИШЛАР ЭСА КЎП ВАҚТ БАЛКОНЛАРДА ЁКИ ҲУЖРАЛАРДА ИҒИЛИБ ҚОЛАДИ.

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

Агар Сиз вақтингиз йўқлиги ёки саломатлигингиз ҳаҳши бўлмагаклиги туфайли шиша идишларни топшира олмасангиз,

ШИША ИДИШЛАРНИ УЙДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ПУНКТЛАРИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

32-МАГАЗИН ҚОШИДА

(Лисунов кўчаси, 4-уй)

АВИАСОЗЛАР ШАҲАРЧАСИ АҲОЛИСИ УЧУН ШИША ИДИШЛАРНИ УЙДА ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ БЎЙИЧА ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛАДИГАН СТОЛ ОЧИЛДИ



Заявкани расмийлаштириш учун магазинга келиш ёки 96-36-01 телефон номери бўйича қўнғироқ қилиш мумкин. Сиз белгилаган кун ва соатда қабул пункти ходимлари кўрсатилган адресга етиб борадилар.

ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

У СИЗНИНГ ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАЙДИ ВА ОРТИҚЧА ТАШВИШЛАРДАН ХАЛОС ЭТАДИ.

ҲАМЗА РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ «МАТБУОТ» ПОЛИГРАФИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВА 9-ПОЛИГРАФЧИЛАР ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бирлашманинг Тошкент шаҳридаги полиграфия корхоналари учун қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали полиграфчилар тайёрланади: ҲАРФ ТЕРУВЧИ, ЛИНОТИПИСТ, ПЕЧАТНИК, МУҚОВАЧИ.

8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15—18 ЁШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ: ўрта маълумотлилар учун 1 йил, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун эса 3 йил (ўрта маълумот ҳам берилади).

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини битириб ишлаётганлар полиграфия ихтисослари бўйича ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни хоҳласалар, корхона томонидан институт ва техникумларнинг сиртқи бўлимига ўқишга юборилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, кадрлар бўлими. Телефон: 44-37-85.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БИТИРИБ ЧИҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

СИЗЛАРНИ 1981—82 ЎҚУВ ЙИЛИДА

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ

ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲОЗИР СИЗЛАРНИНГ ОЛДИНГИЗДА ҚАТЪИЙ БИР МАСАЛА КУНДАЛАНГ ТУРИБДИ: «КЕЛАЖАКДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТАНЛАШ КЕРАК?», «ҚАЕРГА ЎҚИШГА БОРИШ КЕРАК?», «ҚАНДАЙ КАСБ ТАНЛАШ КЕРАК?», «ҲАЁТДАГИ ЎЗ ЎРНИНГНИ ҚАНДАЙ ТОПИШ КЕРАК?». БУ САВОЛЛАРГА СИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРГАЧ ЖАВОБЛАР ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Мамлакатга ишчи қўллари зарур! Завод ва фабрикалар, қурилишлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари турли хил касбдаги юқори малакали мутахассисларга муҳтож.

ШАҲРИМИЗДА 51 ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ МАВЖУД БЎЛИБ, УЛАРДА 125 ХИЛ КАСБ БЎЙИЧА 35 000 КИШИ ТАЪЛИМ ОЛМОҚДА.

КУНГЛИНГИЗГА ЁҚҚАН КАСБНИ ТАНЛАНГ!

«Узэлектромонтаж» ихтисослаштирилган тресги базасидаги

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчилар, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналар бўйича электромонтажчилар, электрослесарлар, электр-газ пайвандчилар, иккиламчи ҳалқасимон коммутацялар бўйича электромонтажчилар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматлар ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильм текшириш ишларини бажара оладиган), **радиотелевизион аппаратларга хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича радиомеханик** (фақат 10 синф ҳажмида маълумотлилар).

ЎҚИШ МУДДАТИ—1—2—3 ЙИЛ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

8— 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва касб эгаллайдилар. Улар кунда 3 маҳал оҳат ва кийим-кечак билан таъминланадилар; 10-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганларга (киномеханикдан ташқари) ойига 76 сўм ҳажмида стипендия берилади. Электромонтажчилар группасининг ўқувчилари ишлаб чиқариш практикасини ўтаётган даврларида топган иш ҳақларининг 50 процентини, қолганлар эса 33 процентини оладилар.

Билим юртида эшкак эшиш ва бокс бўйича ихтисослаштирилган спорт группалари тузилмоқда.

Совет Армияси сафидан запасга бўшатилиб электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирган ёшларга ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш муддати қисқартирилган —10 синф ҳажмида маълумотлилар—7,5 ой, 8-синф ҳажмида маълумотлилар эса 10,5 ой ўқийдилар.

Машғулотлар— группалар комплектлангандан кейин бошланади.

Билим юртини тамомлаганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳода тамомлаганлар ўқишни давом эттириш учун ўрта ёки олий ўқув юртларига ўқишга юборилади-лар. Уларнинг корхоналарда ишлашлари шарт эмас.

Билим юртида спорт базаси бор, спортнинг 14 та секцияси ишлаб турибди. Техника ижодкорлари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Машғулотлар— 1 сентябрдан бошланади.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановлик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 18, 33, 34, 45, 54, 58, 66, 70, 79-автобуслар; 4, 7, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

5- ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Эркаклар устки кийимларкни тикиш бўйича тикувчи-моторист, аёллар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-моторист, аёллар ва болалар енгил кийимларини тикиш оўйича тикувчи-моторист, тикув оуюмлари контролери.

8 синф ҳажмда маълумот билан кирган ўқувчилар 3 йил ўқиб, ўрта маълумот ва ихтисос оладилар, қиним-кечак ва бепул овқат билан таъминланадилар; 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 1 йил, ойига 30 сўм стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар. **Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.**

Билим юртида «Қизил чинғигул» комсомол-ёшлар клуби тузилган бўлиб, техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида, спорт секцияларида машғулотлар ўтказилади.

Билим юртини аъло баҳода тамомлаганлар тайёрлов Советининг қарори билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги бўлимига ўқишга тавсия қилинадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайдилар.

Адрес: Тошкент шаҳри, 100 алоқа бўлими, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй (4, 7, 8, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайлар; 2, 3, 18, 45, 50, 54, 57, 58, 80-автобуслар; 2, 6, 13, 14, 15, 16-троллейбусларнинг «Театральная» бекати). Телефон 53-36-45.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

Ф. ХЎЖАЕВ НОМЛИ 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ПОЙАФЗАЛ БЎЛИМИНИ БИТИРУВЧИ, ЗАГАТОВКА ТИКУВЧИ, ПОЙАФЗАЛ ТИКУВЧИ, ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ КОНТРОЛЕРЛАР, ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТИКУВЧИЛАР, СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, ЭЛЕКТРОМОНТЕР, КОНСТРУКТОР-МОДЕЛЬЕР.

Билим юртига қабул қилинган 8— 10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ва чарм-галантерея фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариш учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгаракларида мунтазам ишлаб турибди.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга кириш учун йўлланма берилади.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 8.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (122, 123-автобуслар, 2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар 53-99-91, 53-99-04.

9-ШАҲАР ПОЛИГРАФЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти корректорлар, полиграфия асбоб-ускуналарини созловчилар, автоматларда тикувчилар, саралаш-тикиш машиналарининг машинистлари, ҳарф терувчилар, линотипистлар, печатниклар, ўрта маълумотли муқовасозларни тайёрлаб чиқаради.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15—18 ЁШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй (7, 9, 13, 16-троллейбуслар, 2, 3, 33, 34, 50, 54, 84, 131-автобусларнинг «Волгоград» кўчаси бекати. «СССР 50 йиллиги» метро станцияси). Телефонлар 77-10-56, 77-10-33, 77-13-79.

В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент экскаватор заводи базасидаги

86-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Токарь (программали бошқариладиган станокда ишловчи). Ўқиш муддати 3 йил.

Учиш аппаратларини йиғувчи слесарлар. Ўқиш муддати 3 йил.

Слесарь-механик. Ўқиш муддати 3 йил.

Саноат жиҳозлари ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати 3 йил.

Дипломли газ-электр пайвандчи. Ўқиш муддати 3 йил.

Электр кўприкли кранлар машинисти. Ўқиш муддати 3 йил.

ОТК контролёри. Ўқиш муддати 3 йил.

Автослесарь. Ўқиш муддати 3 йил.

Металл бўйича универсал токарь (Бу касбдагиларга 80 сўм ҳажмида стипендия тўланади). Ўқиш муддати 1 йил.

Ремонтчи-слесарь (саноат жиҳозлари бўйича. Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади). Ўқиш муддати 1 йил.

Слесарь-механик (механика-йиғув ишлари). Ўқиш муддати 1 йил.

Электр кўприкли кранлар машинисти (Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади). Ўқиш муддати— 1 йил.

Электр пайвандчи (Бу касбдагиларга 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади). Ўқиш муддати 1 йил.

ОТК контролёри (Бу касбга қизлар имтиёзли равишда қабул қилинади). Ўқиш муддати 1 йил.

Билим юртига 8— 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигитлар ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим бош билан таъминланадилар.

Ўқиш даври иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида 2 та техника ижодкорлари тўгараги, радиоҳаваскорлар тўгараги, фото тўгарак, 8 та бадиий ҳаваскорлар тўгараги, ўзбек халқ чолғу-асбоблари ансамбли, вокал-чолғу асбоблари ансамбли ва ҳоказолар мавжуд.

10 та спорт секцияси ишлаб турибди.

Ёзги каникул даврида ўқувчилар «Чимён» лагерига борадилар. Ватанимиздаги қаҳрамон шаҳарларда бўладилар.

Билим юртини тамомлаганлар олий ўқув юртига имтиёзли қабул қилинадилар.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи», 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекатлари). Телефон 35-61-30.

«Главташкентстрой» базасидаги

22-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: қурилиш дурадгори, қурилиш бўёқчиси, пардозловчи-кошинкор, электр-газ пайвандчи. Ўқиш муддати — 3 йил. 8 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати 1 йил бўлган группаларда: дурадгор, паркет ётқизувчи, пардозловчи, электр пайвандчи, конвейер линиялари ускуналарида пультни бошқарувчи оператор. 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Билим юртига қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Тошкентга пропискага ўтказиладилар.

Техника-билим юрти ўқувчилари ўқиш даврида уч маҳал бепул овқат, байрамларда ва ишга кийиладиган кийим-кечак билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини ҳажмида мукофот пули оладилар.

Бир йил ўқийдиган ўқувчиларга ойига 30 сўм стипендия берилади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ўқув юртларига йўлланма оладилар ва имтиёзли равишда ўқишга кирадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик, вокаль-чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари, спорт секциялари ишлаб турали.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахан кўчаси, 12-уй (5-трамвайнинг «Зеленый бозор» бекати, 1, 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси» бекати). Телефонлар: 91-26-47, 91-29-50.

158-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШЛАРДА ИШЛАШ УЧУН **бўёқчи** (қурувчи), **дурадгор** (қурувчи). **Ўқиш муддати—3 йил; электр пайвандчи, бадиий безаш бўйича бўёқчи, сувоқчи-пардозловчи-кошинкор, дурадгор-паркетчи. Ўқиш муддати — 1 ва 3 йил.**

8—10 синф ҳажмда маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

10 синф ҳажмда маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил. 45 сўм стипендия тўланади. Ўқишга кирганлар уч маҳал бепул овқат билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикасида топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар.

8 синф ҳажмда маълумотлилар учун ўқиш муддати —3 йил. Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар. Ўрта маълумот оладилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган иш ҳақларининг 50 процентини тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар ва Тошкент шаҳрига пропискага ўтказиладилар.

АРИЗАЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Қоратош кўчаси, 44-уй. (64, 65-автобуслар, 1, 2, 4, 6, 7, 8, 18-троллейбуслар; 7, 8, 11, 16-трамвайларнинг «Хадра» бекати).

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ҚАБУЛ КОМИССИЯЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ЛОЗИМ:

ҳунар-техника билим юртига кириш ҳақида билим юрти директори номига танланган касбингиз кўрсатилган ариза, ўрта мактабни битирганлик ҳақидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), 3 та фотосурат (3х4 см.), корхона ёки ташкилотнинг йўлланмаси (ўқишга ташкилотлар томонидан юборилаётган шахслар учун).

Билим юртига келиши билан ўқишга кирувчи ўз паспорти, ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ҳарбий хизматга чақирилиш ёшидаги шахслар учун), ҳарбий билет (запасдаги ҳарбий кишилар), бу ҳужжатлар ўқишга кирувчининг шахси* делосига ёзиш учун талаб этилади.

Билим юртига кириш ҳақида ариза берган шахс танлаган касби бўйича ишлаш учун соғлиги ва жисмоний ҳолати яроқлилигини аниқлаш учун медицина кўригидан ўтади.

ЭКРАН ДАРАНГИ

10 ИЮЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

17.50 «Олга, болакайлар». Волгоградда олиб кўрсатилади. 18.35 «Халқ ижодиёти». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ўтмиш ва келажак овозлари-да». Японияда милитаристик руҳни тиклашга уринаётган империалистик давлатлар сиёсатининг агрессив моҳияти ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 20.25 «Ҳаёт чизиғи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Зелена Гура» шаҳридаги совет қўшиқлари фестивали қатнашчиларининг концерти (Польша Халқ Республикаси). 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Ёш рассомлар». Илмий-оммабоп фильм.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 «Таниш оҳанглар». Театр, телевиденне, кино,музикаси. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Валя хола ҳикоя қилади». 21.30 «Время». 22.05 «Ўзи ҳам емайди, отга ҳам бермайди». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мураббийлар. 19.00 «Экономика тежамли бўлиши керак». Чирчиқ қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, (рус). 19.30 «Ахборот» (рус), 19.45 Э. Налбандов қўшиқлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Назритдин Шерматов рақсга тушади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Ҳали ҳаёт олдинда». Бадиий фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

11 ИЮЛЬ— ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинградан олиб кўрсатилади. 10.35 «Ҳаёт чизиғи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.40 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.10 «Спортлото»нинг 28-тиражи. 12.20 «Ҳаракат ҳавфсизлиги учун». 12.50 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали. «Биринчи қимиз байрами». (Монголия Халқ Республикаси). 13.10 «Давр билан ҳамоҳанг». СССР Ёзувчилар союзи VII съездининг материаллари асосида. 14.00 «Москвичка» телевизион клуби. 15.30 «Дунё воқеалари». 15.45 Монголиянинг миллий байрами— Халқ революциясининг галабаси кунига. «Марказий телевиденне экранида биринчи марта». «Куреш» Бадиий фильм («Монголкино»). 17.20 «Ҳайвонот оламида».

18.20 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 13.50 П. И. Чайковский асарларини Халқаро конкурс лауреати М. Плетнёв (фортепьяно) ижро этади. 19.15 «Уч, икки, бир, ноль...» Исроил, Покистон, Жанубий Африка Республикасида ядро қуролининг яратилиши ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Автор—сиёсий шарҳловчи В. Дунаев. 20.15 «Халқ оҳанглари». 20.30 Енгил атлетика бўйича Халқаро матч. СССР—АҚШ терма командалари Ленинграддан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК— «Спартак» В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 23.45 «Оқшом тароналари». 00.15 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

17.20 Останкино концерт студиясида РСФСР халқ артисти А. Миронов билан учрашув. 19.15 «1981 йил қўшиқлари». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.15 «Одамларга хизмат қилиб». СССР Медицина Фанлари академияси ҳақида телевизион илмий-оммабоп фильм. 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Уч огайни». 21.30 «Время». 22.05 «Ов мавсуми». Телевизион бадиий фильм 1 ва 2-сериялар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Жасур чигиртка». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Юлдузча». 19.00 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Телевидение экранида биринчи марта. «Тўрт жуфт шим ва чит кўйлак». Қисқа метражли бадиий фильм (рус.). 20.15 «Чорвачилик —зарбдор фронт». 20.30 «Ахборот» 20.50 Тошкент театр ва рассомчилик институтининг студентлари Мунажат Тешабоева ва Шерзод Пирматов концерти (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Эртага —премьера». Кинокўрсатув. 23.15 Телефильм 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ситороча». Мактаб ўқувчилари учун программа. 18.30 «Ватан посбонлигида». 19.00 Янгиликлар. 19.15 Москва. «Уч, икки, бир, ноль...» Исроил, Покистон, Жанубий Африка Республикасида ядро қуролининг яратилиши ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Автор—сиёсий шарҳловчи В. Дунаев. 20.15 «Ахбор» 20.40 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бизнинг шарҳ». Халқаро мавзуларда суҳбат (тожик тилида). 22.35 «Дилкушо» чойхонаси. 23.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши—22-53-66; саноат—32-53-83; қурилиш— 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари—33-55-32; хатлар —33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 39-90-50.

10 ИЮЛЬ, 1981 й. Р — 07248. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. В — 2158. 9